



Issues of ensuring human rights in the process of international cooperation in the fight against crime

Dilshod SATTOROV¹

Customs Institute of the State Customs Committee of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received February 2021
Received in revised form
28 February 2022
Accepted 15 March 2022
Available online
25 April 2022

Keywords:

international cooperation,
fight against crime,
crime,
extradition,
arrest,
mutual legal assistance,
international treaty.

ABSTRACT

The article analyzes the legal nature of the main international treaties regulating the fight against crime, and the specifics of their consolidation in regional international treaties. Moreover, the article analyzes the directions and features of international cooperation in the fight against crime and focuses on human rights. The author widely highlighted to implement the mechanism of international cooperation in combating crime, the interrelated aspects of the directions of international cooperation from a humanitarian point of view and in this regard, it is given the opinions of various legal scholars.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss2-pp76-83>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалалари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

халқаро ҳамкорлик,
жиноятчиликка қарши
кураш,
жиноятчилик,
экстрадиция,
ҳибсга олиш,
ўзаро ҳуқуқий ёрдам,
халқаро шартнома.

Мақолада жиноятчиликка қарши кураш масалаларини тартибга солувчи асосий халқаро шартномаларнинг ҳуқуқий табиати ва минтақавий халқаро шартномаларда мустақамланишининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Мақолада жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорлик механизмининг йўналишлари ва хусусиятлари таҳлил қилар экан, асосий эътиборни инсон ҳуқуқларига қаратади. Муаллиф томонидан жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорлик механизми амалга оширишда инсонпарварлик нуқтаи назаридан халқаро ҳамкорлик йўналишларининг бир-бирига боғлиқ жиҳатлари кенг ёритилган бўлиб, бу борада турли ҳуқуқшунос олимларнинг фикр ва мулоҳазалари келтирилган.

¹ Head of the Department “General Legal Disciplines” of the Customs Institute of the State Customs Committee of the Republic of Uzbekistan, PhD in Law, Associate Professor. E-mail: 8447@mail.ru.

Вопросы обеспечения прав человека в процессе международного сотрудничества в борьбе с преступностью

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

международное сотрудничество, борьба с преступностью, преступление, экстрадиция, арест, взаимная правовая помощь, международный договор.

В статье анализируется правовая природа основных международных договоров, регулирующих борьбу с преступностью, и особенности их закрепления в региональных международных договорах. В статье анализируются направления и особенности международного сотрудничества в борьбе с преступностью и основное внимание уделяется правам человека. При реализации автором механизма международного сотрудничества по борьбе с преступностью широко освещены взаимосвязанные аспекты направлений международного сотрудничества с гуманитарной точки зрения, и в этой связи были приведены мнения различных ученых-юристов.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида қатор халқаро конвенциялар, шартномалар ва ҳужжатларга қўшилиб, уларнинг фаол иштирокчисига айланди. Мазкур халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунчилигимизда татбиқ қилиниши, қонунларимизни уларга уйғунлигини янги баҳолаш заруратини туғдиради. Миллий қончилик ва тегишли тартиб-қоидаларни халқаро стандартларга мослаштиришни, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини, айниқса, жиноят содир қилган шахсларни ва процесснинг бошқа субъектларини ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишига доир қончиликни такомиллаштиришни талаб қилади.

Сўнги йилларда жиноятчилик соҳасида рўй берган миқдор ва сифат ўзгаришлари, хусусан, жиноятчиликнинг трансчегаравий хусусият касб этиб бораётганлиги бу борада жиноятчиликка қарши кураш бўйича давлатларо халқаро ҳамкорликни янада чуқурлаштиришни тақозо этмоқда [1. Б. 80–81].

XX асрнинг иккинчи ярмида қабул қилинган Конституцияларда давлатларнинг ташқи сиёсий фаолиятини тартибга солишнинг кенгайиши яққол намоён бўлди. Бу, энг аввало, ташқи сиёсатнинг айрим принципларини расмий эълон қилиш, уруш эълон қилиш ва халқаро шартномалар тузиш билан боғлиқ масалаларни тартибга солиш, халқаро ва ички ҳуқуқнинг ўзаро муносабатлари, давлат органларининг халқаро шартномаларни тузиш, ратификация ва денонсация қилиш бўйича ваколатларини белгилаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорлик – фуқаролик, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, экстрадиция ва бошпана ҳуқуқи, давлатлараро иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий интеграция масалаларини тартибга солишда кўринади [2. Б. 68].

Юқорида келтирилган масалалар ичида бугунги кунда долзарб бўлиб келаётган ва ечими кутилаётган муаммолардан бири жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш жараёнида давлатлар томонидан инсон ҳуқуқларини таъминланишидир.

Бундан ташқари, инсон мансуб бўлган мамлакат ёки ҳудуднинг сиёсий, ҳуқуқий ёки халқаро мақомидан, ушбу ҳудуд мустақилми, васийми, ўзини ўзи идора қиладими ёки бошқа тарзда чекланганлигидан қатъи назар, бирор бир айирмачилик ҳолатига дуч келмаслиги керак. Бу шуни кўрсатадики, шахс юқорида кўрсатилган асосларига кўра жазоланиш эҳтимоли бўлса, уни бир давлат иккинчи давлатга ушлаб беришни рад қилади.

Халқаро ва миллий ҳуқуқ нормаларини қамраб олувчи ҳамда бевосита инсон ҳуқуқ ва эркинликларига таъсир этувчи ҳуқуқий институт сифатида экстрадициянинг ҳуқуқий табиати уни тартибга солувчи миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари ўзаро муносабатига оид муаммолар ечимининг мураккаблиги билан изоҳланади. Хусусан, гарчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги эътироф этилган бўлса-да, бу умумий тусдаги қоида бўлиб, унинг устида назарий-ҳуқуқий жиҳатдан бош қотирилганда айрим муаммолар келиб чиқади:

– экстрадицияга оид халқаро-ҳуқуқий нормаларни Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимига жорий этиш механизмини белгилаш;

– давлат ҳуқуқий тизимида амал қилувчи ҳуқуқий нормалар иерархияси хусусидаги масалани ечиш.

Таъкидлаш лозимки, экстрадиция институти юридик адабиётларда кенг доирада таҳлил этилган давлатлар ҳамкорлигининг умумий принциплари (хусусан, куч ишлатмаслик ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилмаслик, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги, давлат чегараларининг бузилмаслиги, халқаро низоларнинг тинч йўл билан ҳал этилиши, давлатлар ҳамкорлиги, давлатларнинг суверен тенглиги, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги, халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш ва ҳ.к.) билан бир қаторда айнан экстрадицияга оид халқаро шартномалар ва миллий қонунчиликдаги ўзига хос раҳбарий принципларга ҳам асосланади. Жиноятчини ушлаб беришни рад этиш асослари ҳам экстрадициянинг принциплари билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, экстрадицияга оид у ёки бу принципларга риоя этмаслик жиноят содир этишда айбланаётган ва талаб қилинаётган шахсни ушлаб беришни амалга ошириш имконига барҳам бериши мумкин.

Сўнгги вақтларда ушлаб беришни инсонпарварлик нуқтаи назаридан рад этиш ҳам назарда тутилмоқда. Жумладан, жиноятчининг қарилиги ёки жиддий касалга дучор бўлганлиги сабабли ушлаб бериш рад этилиши мумкин [3. Б. 1–55]. Экстрадиция институтининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда давлат башарти ушлаб бериладиган шахс уни сўраётган давлатда инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро ҳуқуқ нормаларига зид бўлган муомала ва жазо турларига гирифтор этилиши мумкин, деб ҳисоблаш учун асослари мавжуд бўлса, жиноятчини ушлаб беришни рад этиши мумкин [4. Б. 29]. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Суди ҳам ўз қарорларидан бирида қийноқ ва ғайриинсоний муомала ёки жазо турларини қўллаш, шунингдек одил суд муҳокамасига бўлган кафолатнинг мавжуд эмаслиги ушлаб беришни рад этиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини қайд этган [5. Б. 206].

Қидирувдаги жиноятчиларни экстрадиция қилиш учун таъсир кўрсатувчи омиллардан яна бири бўлиб, уларнинг ушлаб берилишини сўраётган давлат қонунчилигига биноан ўлим жазосига маҳкум қилиниши ҳисобланади [6. Б. 783–808].

Маълумки, ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида ўлим жазоси кўпгина эътирозлар ва мушоҳадаларга сабаб бўлувчи муаммо сифатида тан олинган. Ўлим жазосини давлатнинг жиноятчиликка қарши курашдаги сиёсати сифатида муҳокама қилиб қолинмасдан, балки фундаментал ҳуқуқларга бевосита боғлиқ яшаш ҳуқуқи каби ҳуқуқларни таъминлаш борасида ўлим жазоси анча вақтдан бери бирор бир давлатнинг ички масаласи сифатида эмас, балки халқаро ҳамжамиятнинг алоҳида эътиборидаги масала сифатида намоён бўлмоқда [7].

Ўлим жазоси қўлланиши хавфи мавжуд бўлганида, экстрадиция қилишни рад этиш учун БМТ нинг Ушлаб бериш тўғрисидаги намунавий шартномаси асос бўлиши мумкин [8].

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида кўрсатилиб ўтилишича, ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир. Демак, шахс жинойат қилмишидан қатъий назар ўлимга маҳкум қилиниши мумкин эмас, бу эса унинг табиий ҳуқуқини ҳимояси ҳисобланади.

Шунингдек, талаб қилаётган давлат жиноят қонунчилигида мазкур қилмиш учун ўлим жазоси кўзда тутилган бўлса ҳам шахснинг экстрадиция қилинмаслиги тўғрисидаги қоида бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинмоқда. Хусусан, ҳозирда дунёда 23 та мамлакатда (Афғонистон (5), Бангладеш (6), Беларусь (2+), Бахрейн (3), Вьетнам (+), Миср (35+), Иордания (15), Ироқ (125+), Эрон (507+), Яман (2+), Хитой (+), Қувейт (7), Малайзия (4+), БАА (1), Покистон (60+), Фаластин (давлат) (6: Ғазодаги ХАМАС маъмурияти), Саудия Арабистони (146), Шимолий Корея (+), Сингапур (8), Сомали (24: Пунтленд (12), Сомали федерал ҳукумати (12)), АҚШ (23), Жанубий Судан (4), Япония (4)) [9] ўлим жазоси тайинланган бўлиб, ўз навбатида, мазкур давлатлар билан экстрадиция бўйича муносабатларга киришилганда, талаб қилинаётган шахс содир этишда айбланаётган қилмиши учун ўлим жазоси тайинланиши мумкинлиги асоси билан экстрадиция қилиш рад этилиши мумкин.

Республикамизда эса 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосининг бекор қилиниши муносабати билан ушбу масала ўз ечимини топди [10]. “Эндиликда мамлакатимизда ўлим жазоси умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилди ва у фақат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (ЎЗР ЖК 97-модда иккинчи қисми) ва терроризм (ЎЗР ЖК 155-модда учинчи қисми) учун тайинланадиган бўлди.

Шундай қилиб, ўлим жазосига маҳкум этилган шахсни экстрадиция қилиниши, фақатгина ушбу турдаги жазо қўлланилмаслиги тўғрисидаги кафолат олинганидан сўнг мумкинлиги миллий қонунчиликда ҳам халқаро шартнома-лардагидек кўзда тутилган. Масалан, Европа инсон ҳуқуқлари суди Туркиядаги Маматқулов ва Абдурасуловларнинг ишлари бўйича Ўзбекистон Туркияга юқоридаги шахсларнинг мулки мусодара этилмаслиги ва улар турли қийноқларга солинмаслиги ва ўлим жазосига маҳкум этилмаслиги тўғрисидаги кафолатни берганидан сўнг топширилганликларига эътибор қаратган [11].

Қийноққа солиниши, ғайриинсоний ёки шафқатсиз муносабат ёки жазо турлари қўлланиши мумкин бўлган қочоқ айбланувчини давлатга қайтариш миллий қонунчилик актларига халқаро фундаментал характердаги инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги шартнома кабиларга зид бўлади.

Бундай ҳолатларда ҳеч қайси тараққий этган давлат шахсни ушлаб бериш жараёни натижасида шахс қийноққа солиниши ёки таъқиқланган муомала қилиш хавфи остида қолиши мумкинлигига рози бўла олмайди. Шунинг учун экстрадиция амалиётида экстрадиция қилинаётган шахсларнинг топширилаётган давлатда қийноққа солиниши хавфи мавжудлиги тўғрисидаги арзлари барча ҳолатларда юқори синчковлик билан ўрганиб чиқилишини талаб этади.

Жиноий ҳаракатларни содир этишда айбланаётган шахснинг ҳар қандай жиноий айблови бўйича тергов жараёнини одилона ва ошкора ҳамда оқилона муддатда кўриб чиқилиши ҳуқуқи шахсларнинг юридик ҳимояси тизимида асосий ўринни эгаллайди. Шу аснода процессуал ҳимоя воситаларининг асосли элементи бўлиб, айбланаётган шахснинг ўзини бевосита ўзи танлаган ҳимоячи орқали ҳимоя қилиши хисобланади.

Халқаро ҳуқуқда инсон ҳуқуқлари одил судлов орқали ҳимояланиш ҳуқуқини самарали таъминланишига алоҳида эътибор қаратмоқда, бу эса ўз вақтида айбланувчининг манфаатларини унга қарши олиб борилаётган жараёнда талаб даражасида тақдим қилинишида намоён бўлади [12. Б. 81–117].

Масалан, агар суд қарори сўраётган давлатда *in absentia* (шахснинг иштирокисиз) шароитида чиқарилиб, судланган шахс ўз ҳимояси учун етарли имкониятларга эга бўлмаган ва унинг иштирокида ишни қайта кўриш имкони бўлмаган ёки бўлмайдиган бўлса [8]; шунга ўхшаш ҳолат Декларациянинг 10-моддасида ҳам белгиланган: ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга.

Шундай қилиб, сўраётган давлат қонунчилигида ишни тегишли процессуал кафолатлар билан қайта кўриб чиқиш имконияти мавжуд бўлмаса, шахсни унинг иштирокисиз чиқарилган ҳукм ижросини таъминлаш мақсадида экстрадиция қилишни рад этиш мумкин.

Боз устига, экстрадиция жараёнида суд ролининг кучайтирилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг муносиб муҳофаза этилишини таъминлайди. Бугунги кунда судлар фақатгина ушлаб бериш тўғрисидаги қарорнинг қонунийлиги ва асослигини текшириш ваколатигагина эга бўлиб, бу уларни суд муҳокамаси жараёнида шахснинг айбдорлиги масаласини муҳокама қилишини чеклайди.

Дарҳақиқат, экстрадицияни амалга ошириш жараёнда суд назоратини таъсис этиш экстрадиция қилинаётган шахс ҳуқуқларининг қўшимча кафолати бўлиб хизмат қилар эди. Бизнинг назаримизда, суднинг экстрадиция тўғрисидаги иш бўйича тугал қарор чиқариш ҳамда бундай қарорнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун мажбурий бўлиши тўғрисидаги ҳолатни миллий қонунчиликка сингдириш зарур (бу ҳақдаги аниқ таклифларимиз юқоридаги бобларимизда қайд этилган).

Экстрадиция жиноят содир этган шахсни у ҳудудида бўлган давлат томонидан унинг жинояти туфайли жабр кўрган ёхуд у фуқароси бўлган давлатга уни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукм ижросини таъминлаш учун топширишнинг ягона қонуний тартиби сифатида тан олиниши ҳамда уни депортация ва шу каби чиқариб юборишга оид институтлар билан чалкаштирмаслик жоиз.

Бугунги кунда жиноятчиликнинг кескин ривожланаётганлигини инобатга олган ҳолда экстрадицияни давлатлараро доимий ҳамкорлик жараёнининг ажралмас қисмига ажралишини таъминлаш ҳамда унинг нафақат оғир ва ўта оғир жиноятлар, балки унча оғир бўлмаган бошқа тоифа жиноятлар учун ҳам қўллашни мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

Зеро, жиноятчилик, хусусан трансмиллий жиноятчилик билан самарали кураш олиб боришда, шунингдек, унинг олдини олишда халқаро ҳамкорликни узлуксиз ривожлантириш зарур. Бу, айниқса, борган сайин кўпроқ шахслар жиноят содир этишгач, жазодан қутилиш, айрим ҳолларда эса, жинойий фаолиятни давом эттириш мақсадида бошқа давлат ҳудудида паноҳ топишга ҳаракат қилаётганликлари туфайли янада долзарб аҳамият касб этади. Экстрадицияга оид муносабатларни кенгайтириш ва ривожлантириш давлатларнинг жиноятчиликка қарши амалга ошираётган чораларининг таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилади. Ушбу соҳадаги давлатлараро ҳамкорликни ривожлантиришда ўзаро тажриба алмашиш ҳам муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Халқаро ва миллий ҳуқуқ нормаларини қамраб олувчи ҳамда бевосита инсон ҳуқуқ ва эркинликларига таъсир этувчи ҳуқуқий институт сифатида экстрадициянинг ҳуқуқий табиати уни тартибга солувчи миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари ўзаро муносабатига оид муаммолар ечимининг мураккаблиги билан изоҳланади. Хусусан, гарчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги эътироф этилган бўлса-да, бу умумий тусдаги қоида бўлиб, унинг устида назарий-ҳуқуқий жиҳатдан бош қотирилганда айрим муаммолар келиб чиқади:

- экстрадицияга оид халқаро-ҳуқуқий нормаларни Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимига жорий этиш механизмини белгилаш;
- давлат ҳуқуқий тизимида амал қилувчи ҳуқуқий нормалар иерархияси хусусидаги масалани ечиш.

Бугунги кунга қадар Ўзбекистон ҳуқуқий доктринасида жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича асосан икки томонлама шартномалар тузиш тенденцияси ривожланаётганлиги кузатилади. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ушбу ёндашувни ҳар бир мамлакатнинг ички ҳуқуқ тизимини муфассалроқ инобатга олиш орқали давлатлараро ҳамкорликни янада чуқурлаштириш нуқтаи назаридан маъқуллайди.

Ҳолбуки, бундай ёндашув экстрадиция қонунчилиги ривожланишининг ҳозирги тенденциясига – жиноятчиларни ушлаб беришга оид ҳуқуқ нормаларини унификациялаш амалиётига мос келмайди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, давлатларнинг жиноятчиликка қарши курашини янада самарали мувофиқлаштиришда кўпчилик давлатлар томонидан ратификация қилиниши кўзда тутилган кўп томонлама конвенциялар қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Кўп томонлама конвенциялар – давлатларнинг экстрадиция масаласи бўйича ўзаро ҳамкорлигининг янада такомиллашган шакли ҳисобланади. Кўп томонлама конвенциялар қабул қилиш нафақат уни имзолаган давлатларнинг экстрадицияга оид қонунчилигининг унификациялашувига, балки, том маънода, яхлит ҳолда ушбу давлатларнинг жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг бир хиллашувига ҳам олиб келади.

Экстрадиция институтининг ривожланишини таҳлил қилиш инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш нуқтаи назардан унинг қатор асосий йўналишларини ажратиш имконини беради: экстрадиция тўғрисидаги келишувларда инсон ҳуқуқларига риоя этишни таъминлаш, уларнинг инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ нормаларига мослигини таъминлаш; экстрадиция тўғрисидаги келишувларда ва уни қўллаш амалиётида БМТ томонидан тавсия этилган маҳкумлар билан мулоқотда бўлишнинг қоидаларига қатъий амал қилиш; маҳкумлар қийноққа солинадиган, уларга нисбатан ғайриинсоний жазо ва муомала турлари қўлланиладиган, ирқий, диний ва бошқа асосларда чеклашга йўл қўйиладиган давлатларга экстрадиция қилишдан четлашиш; инсонпарварлик принципига (шу жумладан, маҳкумларга нисбатан ҳам) амал қиладиган давлатларга экстрадиция қилишни рағбатлантириш каби масалаларни таҳлил қилиш бугунги куннинг долзарб мавзуларидан биридир. Хусусан, бу борада экстрадицияни амалга ошириш устидан суд назоратини кучайтириш лозим. Экстрадиция масалалари бўйича айнан суд қарори ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши даркор. Зеро, аксарият хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳам айнан шундан далолат беради. Бу, ўз навбатида, ушбу соҳада ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштиришга имкон яратади; боз устига, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг муносиб муҳофаза этилишини таъминлайди.

Юқоридаги фикримизни давом этар эканмиз, жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорлик механизми ривожланиши жараёнида шахс ҳуқуқларининг босқичма-босқич мустаҳкамланиши намоён бўлса-да, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ва уларни таъминлашнинг институционал механизмини белгилаб берувчи халқаро стандартларни келтириб чиқарган фундаментал ҳужжатларнинг қабул қилиниши кўриб чиқиладиган ҳуқуқий институтнинг таркибига бевосита таъсири шубҳасиздир [13].

Мазкур соҳада инсон ҳуқуқларини таъминлаш, авваломбор, ушбу жараёнга боғлиқ бўлган ваколатли орган ходимлари, бевосита ушбу соҳа билан шуғулланидиган шахсларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ва бу соҳада бевосита инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш орқали таъминлаш мумкин. Шахс онгида инсонга нисбатан ҳурмат, уни қадрлаш каби хислатлар бевосита унга бўлган ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш орқали шакллантирилади. Ўз навбатида, қабул қилинаётган қонунлар, имзоланаётган халқаро шартномалар ва бошқа шу каби ҳужжатларни самарадорлигини оширишга катта ҳисса қўшади. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги қатор халқаро ва миллий қонунчилик ҳужжатларини бир хилда ижро этиш механизмини яратиш бевосита мамлакатимизнинг бугунги кундаги долзарб масалаларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ф. Сагдуллаев. Трансмиллий жиноятчилик (жиноят-ҳуқуқий ва криминологик таҳлил). Илмий рисола. – Т.: ТДЮИ, 2010. – Б. 80–81.
2. И. Лукашук, А. Саидов. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари. – Т.: Адолат, 2006. – Б. 68.
3. Manual on the Model treaty on extradition // International review of criminal policy. – New York, 1995. – №45-46. – PP. 1–55.
4. Лукашук И.И., Наумов А.В. Международное уголовное право. Выдача обвиняемых и осужденных в международном уголовном праве. Учебник. – М., 1998. – С. 29.

5. Энтин М.Л. Международные гарантии прав человека: опыт Совета Европы. – М.: МНИМП, 1997. – С. 206.
6. Clark A. – Terrorism, Extradition and the Death Penalty // Will. Mitc. L. Rev. 2003. Vol. 29. No 3. – P. 783–808
7. Мезяев А.Б. Смертная казнь и прогрессивное развитие современного международного права // ЮМ. 2003. – №4.
8. Типовой договор о выдаче – принят резолюцией Генеральной Ассамблеи ООН. 14 декабрь 1990 г. (4 ст.).
9. «Прозрачности и смертной казни», Генеральный секретарь ООН, 10 октября 2017 г., <https://news.un.org/ru/story/2017/10/1312441>.
10. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июлдаги “Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 248-модда.
11. Case of Mamatkulov and Abdurasulovic v. Turkey in <http://www.echr.coe.int>.
12. Trechsel S. – Human Rights in Criminal Proceeding. Oxford, 2005. – PP. 81–117.
13. Н.А. Сафаров. Экстрадиция в международном уголовном праве: проблемы теории и практики. – Москва / Волтер Клувер 2005.